КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 4 (5608).

7 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети касаба союзлари область Совети, область комсомол комитетлари 1976 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўтказишда 1975 йил декабрь ойи учинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқиб, қарор қилди.

Область партия комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўка районига** (район партия комитетининг биринчи секретари **Т. И. Исломов**, район ижроия комитетининг ранси **Р. Қ. Қодиров**, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи ва хизматчилари касаба союзлари район комитетининг раиси **К. Ғофурова**, район комсомол комитетининг секретари **Д. Султонов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, кузги-қишки тадбирларнинг бажарилишини оператив контроль қилиш группаси раҳбари **К. С. Содиқов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи **А. Н. Парамонов**, суғориш тармоқлари район бошқармасининг бошлиғи **И. А. Абдиев**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори **Б. Пайшанов** ўртоқлар) берилди.

Бўстонлиқ, Оҳангарон ва Қуйи, Чирчиқ районларининг 1976 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажариш соҳасидаги яхши ишлари қайд қилиб ўтилди.

Калинин, Чиноз, Пискент, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ районлари партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг эътибори кузги-қишки тадбирлар жуда сust ўтказилаётганлигига жалб этилди.

Область матлубот жамиятига Бўка области колхоз ва совхоз, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси, суғориш системаси район бошқармаси илғор ходимларига сотиш учун битта енгил автомашина ажратиш топширилди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида шундай деб ёзиб қўйилган: **«Колхоз ва совхозлардаги машина-тракторлардан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин, қишлоқ хўжалик техникасини асраш яхшилансин, унинг бевақт ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмасин. Қишлоқ хўжалигидаги ремонт базасини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш тадбирлари амалга оширилсин, машина ва ускуналарни ремонт қилиш ҳамда уларга техника хизмати кўрсатиш сифати яхшилансин».** Бу талаб янги беш йилликнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва унинг самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий тежашни кучайтириш, халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг ҳал қилувчи шарти бўлган меҳнат унумдорлигини жадаллаштириш зарурлиги тўғрисидаги вазифаларидан келиб чиқади.

Мамлакатимизда КПССнинг аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлиги натижасида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида жуда катта иш қилинмоқда. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари янги қишлоқ хўжалик техникаси билан тобора кўп миқдорда узлуксиз равишда таъминлаб турилибди. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида турли маркадаги 82 мингта трактор, 21,3 мингта пахта териш машинаси, кўп миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик машина-механизмлари олинди. Учинчи беш йилликда ҳам қишлоқ хўжалигини янги техника билан янада яхшироқ таъминлаш белгиланмоқда. 1976 йилнинг ўзида 18,4 мингта трактор, 5540 та пахта териш машинаси, 870 та дон комбайни, 6850 та юк автомобили, кўп миқдорда бошқа машина ва механизмлар етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Қудратли, замонавий техника деҳқонни юз карра кучлироқ қилиб қўйди, бепоён чўлу-саҳроларни ўзлаштиришга, оғир меҳнат қилиб, мўл ва арзон ҳосил олишга ёрдам берди, шундай техника бўлмаганда қишлоқ хўжалигини индустриялаш мумкин бўлмас эди. «Зангори кема»ларда сўнгги мавсумда 2,3 миллион тонна пахта терган механизаторларимизнинг ибрати бунга яққол далил бўла олади. Бунча пахтани қўлда териш учун бир ярим миллион киши бир ой меҳнат қилиши керак бўлар эди.

Республикамизнинг минг-минглаб механизаторлари фидокорона меҳнат қилиб, зўр илҳом билан ишлаб, техникадан юксак самара олишга, меҳнат унумдорлигини оширишга эришмоқдалар. Машина-механизмларни ишлатиш яхши ташкил этилган ва улар пухта ўйлаб, рационал парвариш қилинаётган кўпгина илғор хўжаликларни тилга олиш мумкин. «Малик», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Савай» совхозларида, Мирзачўлнинг бир қанча қўриқ совхозларида техникадан фойдаланиш тажрибаси ибратлидир. Бу хўжаликларда ҳар бир машина ёрдамида йил давомида, ҳосил учун курашнинг муайян даврида қандай ишлар қилиниши лозимлигини ҳамма яхши билади. Ҳар бир бригада ва бўлим учун тузилган технология хариталарида иш ҳажми ва машиналар комплекси белгилаб қўйилади. Бу хўжаликлар техниканинг ҳолатини, уни ишга ўз вақтида, юқори сифатли қилиб тайёрлаш, техникавий парвариш ва ремонт графикларининг бажарилишини контроллиқ қилиб турибди, шу тарика ҳар бир машина ва механизмнинг узоқ муддат хизмат қилиши ва узлуксиз ишлаши таъминланмоқда.

Аммо ҳар бир колхоз, совхозда ҳам қимматбаҳо техника авайлаб асралмоқда, ундан омилкорлик билан фойдаланилмоқда, деб бўлмайди, машинани ишониб топширилган ҳар бир киши унга эътибор ва миришкорлик билан қараяпти, деб бўлмайди. Айрим жойларда тежамкорлик ва иқтисод қилишни унутиб қўйиб, хўжаликдаги мавжуд техникадан узоқ фойдаланиш тўғрисида жон куйдириш ўрнига, янги машина сотиб олишга халқ маблағи саҳийлик билан ишлатиб юборилмоқда. Донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бобошер Шовқиевнинг 1975 йил 25 декабрь куни «Правда Востока» газетасида эълон қилинган «Техникани авайлаб, ундан моҳирона фойдаланайлик» деган хати ана шундай ўринсиз исрофгарчилик, машиналарнинг тез сийқаланиб, ишдан чиқиб қолаётганлиги тўғрисида ташвишланиб ёзилган.

Б. Шовқиевнинг қимматли ташаббуси муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши билан бирга, кўпгина колхоз ва совхозларда техникадан самарали фойдаланишни таъминлаш соҳасида мунтазам иш олиб борилмаётир, уни яхши асраш йўлга қўйилмаган, машина ва механизмлар бевақт ҳисобдан чиқариб юборилмоқда, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари бунинг устидан дуруст контроллик ўрнатмаганлар.

Бухоро областида техниканинг унумдорлиги жуда паст. Хўжаликларни техника билан юксак даражада таъминлагач, кўпроқ ва арзонроқ маҳсулот етиштиришга ҳаракат қилинмаётир. Бунинг устига машиналарни авайлаб асраш таъминланмаётир. Машина-трактор парки ўрта ҳисобда 3-4 йил ичида бутунлай янгиланмоқда. Республика бошқа областларининг бир қанча районларида ҳам аҳвол ана шундай. Аввало жинояткорона хўжасизлик бунга сабаб бўлмоқда.

Шу кунларда далаларни бир айланиб чиққан киши кўпгина хўжаликларда пахта териш, кўсак узиш машиналари ва бошқа механизмлар қор-ёмғир остида занглаб ётганини кўради. Ўтакетган хўжасизликдан иборат бу ачинарли фактлар кўпинча жазосиз қолмоқда Афсуски янги машиналар сотиб олишга юз минглаб сўмни сарф қилган ношуд раҳбарлар уларни сақлаш учун энг оддий бостирмалар қуришга, ремонт базасини яратишга пулни аяётган, техникани ҳисобдан чиқаришга масъулиятсизларча қараётган ҳоллар ҳамон учраб турибди.

1974 йилда Бухоро области колхозларида 1274 та трактор, трактор прицепларининг бешдан бир қисми, Қашқадарё областида маккажўхори комбайнларининг 42 проценти, пичан ўриш машиналарининг 28 проценти ҳисобдан чиқарилган. Қашқадарё областидаги «Ленинград» совхози пичан ўриш машиналарининг ярмидан кўпроғини, сеялкаларнинг чорак қисмини, тракторларнинг 18 процентини бракка чиқарди.

Партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, айниқса Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси бундай фактларга йўл қўймаслик, техникадан юксак унум билан фойдаланишни таъминлаш соҳасида зарур чораларни кўришлари лозим.

Техникани дала ишлари бошланишига оз вақт қолгандагина тайёрлашга киришадиган айрим хўжаликларнинг яроқсиз практикасига ҳамма жойда қатъиян чек қўйиш вақти келди. Техникани қиш фаслида ремонт қилиш лозим. Машина-механизмларни механизаторга бир мавсумга эмас, балки унинг бутун хизмат муддати даврига бириктириб қўйиш зарурати ҳам аллақачон етилган. Шундагина ҳар бир механизатор ўзига ишониб топширилган машина учун шахсан моддий жавобгар бўлади, унинг шалоғини чиқариб юбормасликка интилади. Жойлардаги партия ва совет органлари шу кунларда районлар ва хўжаликлардаги техниканинг аҳволини синчиклаб кўздан кечириб чиқишлари, уни яхши асраш учун зарур чораларни кўришлари, ремонт сифатини ва унинг графиклари бажарилишини қаттиқ назорат остига олишлари керак.

Машиналардан унумли фойдаланиш механизатор кадрларнинг билимдонлигига, уларнинг маҳорат даражасига, хўжаликлар механизаторлар билан нечоғлиқ яхши мустаҳкамланганлигига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Қиш—ўқиб, ўрганиш даври, шунинг учун ҳам шу даврдан иш учун энг кўп наф келтирадиган тарзда фойдаланиш, механизаторларни ва бошқа кадрларни қайтадан аттестация қилиш, уларни малакани ошириш курсларига юбориш, ёшларни эса тажрибали мураббийларга бириктириб қўйиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 1968 йил октябрь Пленумида қилган докладида қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишни яхшилаш зарурлиги тўғрисида гапириб, қўйидагиларни таъкидлаган эди: **«Бу масалада қишлоқ хўжалик органлари кун сайин иш олиб боришлари ва техникадан қандай фойдаланилаётганлиги учун улардан қаттиқроқ жавобгарлик талаб қилиш лозим. Энг муҳими эса кадрларга эътибор бериш, механизаторлар тайёрлаш ва уларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Бу эса техниканинг ишига, ундан унумли фойдаланишга ҳамиша ижобий таъсир қилади».**

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтиришнинг ҳаммасини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш кўзда тутилган. Бинобарин, республика қишлоқ хўжалиги ҳамма тармоқларини юксалтириш. Ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан ҳар бир машинадан нақадар самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади.

(«Қишлоқ ҳақиқати» 6 январь).

ОБЛАСТЬ саноат корхоналари орасида тўққизинчи беш йилликни биринчилар қатори бажаришга муваффақ бўлган «Малика» трикотаж фирмаси коллективи айни кунларда съездлди социалистик мусобақасини янада қизғин авж олдирмоқда. Фирма чеварлари бу йил 60 хил янги кийим-кечак моделларини ўзлаштиришга аҳд қилишган. Суратларда: (чапдан) эксперименталь цехи бадиий устахонаси ходимлари янги моделларни муҳокама қилмоқдалар. Съездолди мусобақасида Ж. Ҳайдарова пешқадамлик қилаётир.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистонда касаба союзларига қарашли давлат социал страхование бюджети борган сари кўпаймоқда. Шу бюджет ҳисобидан санаторийлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари, пионер лагерларига минглаб путёвкалар берилди. Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг 6 январда бўлиб ўтган пленумида меҳнаткашларни социал страхование қилиш соҳасида касаба союзларининг иш саҳнасини ва масъулиятини янада ошириш тадбирлари қараб чиқилди.

Республика давлат социал страхованиесининг 1976 йилги бюджети белгиланди. Ҳомиладорлик ва туққанлик учун нафақалар, шунингдек даромади кам оилаларнинг болаларига нафақа тўлаш ҳамда ишлаб турган пенсионерларга пенсия тўлаш учун катта-катта маблағлар ажратилди. Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг болаларини санаторий, курортларда даволаш ва уларнинг дам олиши учун бюджетдан ажратиладиган маблағ миқдори 2,3 миллион сўм кўпайтирилади.

Пленум республика касаба союзларининг 1976 йилги бюджетини ҳам тасдиқлади. Бюджет маблағларидан 59,4 проценти маданий-оммавий ва физкультура-спорт ишлари учун ажратилади. (ЎзТАГ).

САБЗАВОТКОРЛАР АҲДИ

Тошкент областининг сабзавоткорлари парник ромлари остига эрта пишар карам экишни тамомладилар. Парникда экилган ана шу экин кўчатлари икки минг гектар майдонга ўтказилади.

Ўтган йилдаги майдонга нисбатан унча кўп бўлмаган ер қўшилган бўлса ҳам деҳқонлар бултургидан 12 минг тонна кўп ҳосил олишни мўлжаллаб турибдилар. Деҳқонлар ҳар бир гектар майдонга 50—55 минг тупдан кўчат ўтказадилар, бу одатдаги кўчат миқдорига чисбатан қарийб 25 минг тўп кўп.

Калинин районидаги ихтисослаштирилган хўжаликларнинг сабзавоткорлари карам кўчатларини қалин қилиб жойлаштириш агротехникасини ишлаб чиқдилар.

Дастлабки ҳисоб-китоблар карам кўчатларини бу усулда экиш ҳосилга яна қарийб 20 минг тонна ҳосил қўшишини кўрсатмоқда.

(ЎзТАГ).

УЛКАН ҒАЛАБА

ЧИРЧИҚДАГИ «ЭЛЕКТРОХИМ-ПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА, ПАРТИЯ, ҚАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бирлашманинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини меҳнатда эришилган катта ғалаба — минерал ўғит ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик план ва социалистик мажбурият ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги билан қизғин қутлайдилар.

Беш йиллик мобайнида пландан ташқари 8 миллион сўмлик маҳсулот, 99 минг тоннадан кўпроқ минерал ўғит, кўпгина бошқа хил маҳсулотлар реализация қилинди.

Сизнинг меҳнатда эришган ғалабангиз ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва такомиллаштириш изчиллик билан амалга оширилиб, меҳнатнинг илғор усуллари жорий этилаётган коллективларда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг катта резервларидан самарали фойдаланилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Республика химия саноати тўнғич корхонасининг коллективи қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашаётганларнинг олдинги сафларида бораётганлигини мамнуният билан қайд қиламиз.

Бу муваффақиятларга ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг фидокорона ва ижодий меҳнати, юксак маҳорати, таъсирчан социалистик мусобақа туфайли, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари актив сиёсий ва ташкилотчилик иши олиб борганликлари туфайли эришилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бирлашма коллективи тўпланган тажрибадан фойдаланиб, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларини бажариш учун ўзининг куч ва билимларини сарфлайди, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

МЎЛ ҲОСИЛГА ПУХТА ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК

Оржоникидзе области меҳнаткашлари 1976 йилнинг мўл ҳосилига пухта замин яратмоқдалар. КПСС XXV съезди шарафига бошланган меҳнат вахтасида туриб ишлаётган сабзавоткор, соҳибкор, боғбонлар вақтдан унумли фойдаланиб, меҳнатни тўғри ташкил этаётирлар.

Жумладан, «Октябрь», «Қизил Ўзбекистон» колхозларида техникани ремонт қилиш, ўғит тўплаш, ирригация шаҳобчаларини тартибга солиш, мутахассис кадрларни ўқитиш ишлари бошланиб кетди.

Ўтган беш йилликни барча кўрсаткичлар билан муваффақиятли якунлаган «Қибрай» совхозида эса ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш ниятида партия XXV съезди очиладиган кунгача ҳамма қишки ишларни тамомлашга аҳду-паймон қилинган.

— Биз, — дейди совхоз бош агрономи С. С. Зородин, — ҳар бир ишни тезкорлик билан амалга ошираяпмиз. 427 гектар ердаги кўчатнинг усти ўз вақтида ёпилиб, кўмиб қўйилди. 40 гектар ердаги дарахтларга шакл берилди. Биз ерда кўпрок нам тўплаш учун ҳаракат киляпмиз. Юз гектардан ортиқрок майдонга минерал ўғит чиқарилиб солинди. Кейин эса яхоб бердик. Ишни социалистик мусобақа асосида ташкил этиб, ҳар беш кунда якунлаб турибмиз.

Совхознинг ўртоқ Р. Мирзахўжаев бошлиқ бригада соҳибкорларининг ишидан ҳурсанд бўлдик. Ариқлар муддатидан олдин тартибга солиниб, токзорларга яхоб бериляпти. Маҳаллий ўғит ташиб чиқариш кучайтириляпти. У. Улуғхўжаев бошлиқ бригада боғбонлари ҳам социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 54 гектар ердаги боққа яхоб беришди. 200 тоннага яқин маҳаллий ўғит ташилди.

Лекин, ҳамма хўжаликларда ҳам иш ана шундай яхши ташкил этилган, деб бўлмайди. Бир қатор колхоз ва совхозларда қиш ойи — дам олиш ойи, деб юрган кишиларни кўриб, ҳайратда қолдик. «Правда» колхозида қишки ишларни ташкил этиш юзасидан колхоз раиси М. Алаутдинов бошлиқ штаб тузилган. Аммо, бу штаб дуруст ишламаяпти. Штаб қайси ишни қачон бажариш лозимлиги юзасидан график тузган бўлса ҳам, унинг бажарилиши устидан изчиллик билан назорат қилинмаяпти. Ишлар вақти-вақти билан якунланиб турилмайди. Хўжаликдаги ишчи кучи ва техника дала ишларига сафарбар этилмаган. Парник хўжалигидаги ишлар шу куннинг талабига жавоб бермайди. Эртаги қарам кўчатларини пекировка қилиш уюшқоқлик билан олиб борилмаяпти. Уруғлик картошкани қишдан яхши олиб чиқиш чораси кўрилмаган. 100 тоннадан ортиқроқ уруғлик картошка чириб кетган. Бинонинг томларидан чакка ўтиб ётибди. Агар шундай аҳволда уруғлик сақланадиган бўлса, 420 тонна картошканинг ярмидан кўпи чиқиндига чиқиб кетиши ҳеч гап эмас.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕИДИ ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

Биз хўжаликда техника ремонтининг қандай аҳволда эканлиги билан ҳам қизиқдик. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу иш ҳам сust бормоқда. Ҳайдов тракторларининг ярмидан кўпи ҳали тайёр эмас. Чопиқ тракторлари ремонти ҳам ўлда-жўлда, культиваторлар, сеялкаларни тартибга солиш ва уни ремонт қилиб қўйиш учун етарли ишчи кучи ажратилмаган.

Колхозда техника ремонти бўйича берилган график 50 процент атрофида бажарилган. Бунга сабаб нима? Маълум бўлишича, уч ойдан бери тракторчилар бошлиқсиз иш тутишяпти: бош инженер тайинланмаган. Шу сабабли иш сифати талабга жавоб бермайди.

Райондаги бошқа хўжаликларнинг ремонт устахоналаридаги ишлар кенг авж олдириб юборилмаган, чопиқ, ҳайдов тракторларини, культиваторларини ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш кўнгилдагидек эмас.

Районда 200 минг кубометр ҳажмдаги ариқ-зовурлар тозаланиши керак. Бироқ, берилган топшириқнинг эндигина 60 процентга яқини бажарилди.

Биз бир қатор колхоз ва совхозларнинг теплица хўжаликларида ҳам бўлдик. Эртаги экинларга кўчат тайёрлашнинг аҳволи билан танишдик. Илғор бригада ва хўжаликларда барвақт ўстирилган кўчатлар меҳр билан парвариш этиляпти. Янгидан-янги ўралар тайёрланиб, кўчатлар пекировка қилинмоқда. Ўраларнинг иссиқлик ҳароратини оширишга эътибор кучайтирилган.

Аммо, ҳамма ерда ҳам аҳвол шундай эмас: «Маданият», Ленин номли колхозларнинг теплица хўжаликларида ишлар чичакемига кучаймаган. Кўчатларнинг устини очиб, тезгез қуёш нуридан кўпрок баҳраманд бўлишига эътибор берилмаяпти.

Бундай камчиликларнинг содир бўлишига район ташкилотлари, биринчи галда, қишлоқ хўжалик бошқармасининг мутахассислари айбдор. Бошқарма ходимлари қишки ишларнинг бориши устидан изчиллик билан назорат қилиб турмайдилар. Ишни хўжа ўрганиб ташкил этаётган хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанлик кучайтирилмаган. Тут дарахтларини парвариш қилиш, янги тутзорлар ташкил этишишга эътибор берилмаяпти. «Коммунист» колхозида юз минг дона кўчат келтирилганлигига қарамай, ҳалига қадар унга жой тайёрланмаган. «Правда» ва бошқа колхозларда эса олинган кўчатнинг ярмигина ўтказилиб, бир қисми ўраларда ётибди.

Қиш — дам олиш мавсуми эмас, аксинча, ўтган йилда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, тезроқ бартараф қилиш пайтидир. Қишки ишларни пухта ташкил этиб, кўклемги экишни барвақт ва сифатли ўтказилишига пухта замин яратиш зарур. Буни Оржоникидзе районининг деҳқонлари унутмасликлари лозим.

А. ШЕРМАТОВ,
ўсимликларни ҳимоя қилиш область станциясининг агрономи.

З. ЙЎЛДОШЕВ,
область пиллачилик бошқармасининг экономисти.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КПСС Марказий Комитетининг «1976-1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги партия XXV съездига лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ЎНИНЧИ БЕШЙИЛЛИК МАРРАЛАРИ

ПЕШҚАДАМ АВТОМОБИЛЧИЛАР

Соат миллари эрталабки 11 ни кўрсатиши билан ок қурувчилар ярим кунлик иш нормасини бажариб қўйишди. 10 машина бетон қоришмаси жой-жойига қуйиб бўлинди.

— Бугунги ишимиз суръати ҳар кунгидан ҳам тез бўлди,— деди бригада бошлиғи С. Кузмин,— лекин бўёғи қизиқ бўлиб қолди-ку, қоришма йўқ. Навбатдаги бетон соат 2 да келиши керак. Қурувчиларнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Шу пайт кетма-кет келаётган тўртта «ЗИЛ—130» машиналари кўзга ташланди. Биринчи етиб келган машина ҳайдовчиси Акмал Иброҳимов кабинадан бошини чиқариб қичқирди.

— Қаерга тўхтамиз?

— Мана бу ёққа,— қурувчилар жонланиб кетишди.

11-қурилиш трестининг 16-қурилиш бошқармаси коллективига хизмат кўрсатаётган пойтахтдаги 1-автокорхона ҳайдовчилари ишидан мижозлар мамнун. Улар юқорида ҳикоя қилганимиздек, вақтдан ўзиб меҳнат қилишяпти. Юкларни жойларга муддатидан илгари етказиб бермоқдалар. Коллектив тўққизинчи беш йиллиги якунловчи йил планига қўшимча равишда 22 минг тонна қурилиш материаллари ва маҳсулотларини ташиб берди. Бунда С. Маҳмудов, М. Мансуров, А. Туробов, А. Кадиан каби ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта.

Коллективнинг улкан меҳнат зафарларини қўлга киритишида бригадаларо авж олган социалистик мусобақа катта ёрдам беряпти. Ҳозир бу ерда 14 коллектив «Коммунистик меҳнат бригадаси» номини олиш учун курашмоқда.

А. НУЛДОШЕВ.

КПСС аъзоси А. Филимонова Олмалиқ мис эритиш заводида ўн уч йилдан бери баракали меҳнат қилиб келаётир. У коллектив орасида вужудга келаётган кўплаб ибратли ташаббусларнинг ижодкоридир. Илғор ишчи айни кунларда ҳам КПСС XXV съезди шарафига бошланган мусобақанинг олдинги сафида бораётир.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН КУРАШИ

СОВЕТ кишилари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлар оммаси ва бутун тинчликсевар кучлар КПСС ва Совет давлатининг изчиллик билан ўтказиб келаётган ленинча доно сиёсатини шарафламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳаси ҳақидаги қарори бу фикрнинг янги, ёрқин ифодаси бўлди. Бу сиёсий ва амалий аҳамиятга молик бўлган ҳужжат жаҳон жамоатчилигининг зўр эътиборини жалб этди, чет эл матбуотлари саҳифаларида қизғин муҳокама қилинмоқда.

Бу ҳужжатнинг ҳаётбахш кучи яна шундаки, унда КПСС ва Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг, Совет Тинчлик программасининг муваффақиятлари ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Лойиҳада айтилганидек, «ташқи сиёсатда, партиянинг XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга оширишда катта муваффақиятларга эришилди. Совет Иттифоқининг халқаро позициялари мустаҳкамланди. Қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик кучайди. Социализмнинг жаҳондаги қоқеалар боришига таъсири ўсди. Халқаро кескинликни юмшатиш жараёни ривожланди».

Халқаро муносабатларда «совуқ уруш»дан кескинликни юмшатиш ва мустаҳкам тинчлик сари тарихий бурилиш ясалганлиги, Португалиянинг фашизм асоратидан халос бўлганлиги ва Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг шонли ғалабалари, миллий-озодлик курашининг бошқа ютуқлари, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан капиталистик мамлакатлар ўртасида тинч ва конструктив муносабатлар негизини яратадиган бир қатор битим ва шартномалар тузилганлиги ва кучга кирганлиги, шунингдек, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш ишининг муваффақияти —буларнинг ҳаммаси КПСС XXIV съезднинг ленинча ташқи сиёсат йўли, Тинчлик программасининг катта ғалабаси бўлди. Бу позитив силжишлар Тинчлик программасида илгари сурилган вазифалар — Шарқи-Жанубий Осиёда уруш ўчоқларини тугатиш, агрессияга ва халқаро миқёсдаги ўзбошимчаликка барҳол ва қаттиқ зарба бериш, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан воз кечиш ва уни халқаро ҳаётнинг қонуни бўлиб қолишига эришиш, шунингдек, Европада кескинликни юмшатиш ва тинчлик сари кескин бурилиш ясашдан иборат тарихий вазифалар муваффақият билан амалга ошганлигининг ёрқин ифодасидир.

Эндиликда Тинчлик программасида илгари сурилган навбатдаги тарихий вазифани —сиёсий юмшатишни ҳарбий кескинликни юмшатиш билан тўлдириш вазифасини амалга оширишни ўчун реал имкониятлар вужудга келди. Бу имкониятларни воқеликка айлантиришнинг радикал йўли — қуролсизланиш пойгасини тўхтатиш, қуролли кучларни, қурол-яроғларни ва ҳарбий бюджетларни қисқартириш, умуман қуролсизланиш проблемасини қадамма-қадам изчиллик билан ҳал қилишдир.

Қуролсизланиш — Совет давлати ташқи сиёсати йўналишларидан бири, Совет Тинчлик программасининг ажралмас таркибий қисмидир. Буни КПСС ва Совет давлати ўзининг амалий ишлари билан яққол кўрсатиб турибди. Сўнгги 10—15 йил ичида бу соҳада ҳам талайгина муваффақиятларга эришилди. Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуролининг синовларини тақиқлаш тўғрисидаги, ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги, оммавий қирғин қуролини космосда ҳамда денгиз ва океанлар тубида жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги шартномалар тузилди ва кучга кирди. Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари назорати остида бўлган ядро қуролини тасодифий равишда ёки рухсатсиз қўлланишнинг олдини олиш учун ҳар иккала мамлакат кўрадиган чоралар хусусида, СССР билан АҚШ ўртасида бевосита алоқа қилиб туриш учун Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиш йўли билан мана шундай алоқа линияларини такомиллаштириш хусусида СССР билан АҚШ ўртасида тузилган битимлар имзоланди. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ташаббуси билан бактериологик (биологик) қуролни қўллаш ва ишлаб чиқариш тақиқлаб қўйилди. Космосдан, Ойдан ва бошқа самовий жисмлардан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш ҳам ман этилди.

Халқаро кескинликни янада юмшатиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлида СССР билан АҚШ ўртасида тузилган «Ядро урушининг олдини олиш тўғрисидаги битим», шунингдек ҳар иккала мамлакатнинг юксак даражадаги раҳбарлари имзолаган «Стратегик ҳужум қуролларини янада чеклаш тўғрисидаги музокаларнинг асосий принциплари» муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Эндиликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг деярли ҳар бир сессиясида Совет Иттифоқининг кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга оид янги-янги таклифлар билан чиқиши анъанавий одат тусига кириб қолди.

Маълумки, 1972 йили БМТ Бош Ассамблеясининг XXVII сессияси **«Халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва ядро қуролини қўлланишни абадий тақиқлаш тўғрисида»** СССРнинг ташаббуси билан махсус резолюция қабул қилган эди. Шундан бир йил кейин Бош Ассамблеянинг XXVIII сессияси **«Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлган давлатларнинг ҳарбий бюджетларини 10 процент қисқартириш тўғрисида ва тежалган маблағларнинг бир қисмини ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш учун фойдаланиш ҳақида»** Совет Иттифоқи томонидан киритилган таклифни маъқуллади. 1974 йилда эса яна Бош Ассамблеянинг навбатдаги XXIX сессияси қуролсизланиш юзасидан жаҳон конференциясини чақириш тўғрисида СССР илгари сурган таклифларни якдиллик билан қабул қилди.

Жаҳон жамоатчилиги БМТ XXX сессияси кун тартибига киритилган **«Оммавий қирғин қуролининг янги турларини ва бу қуролнинг янги системаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисида»** ҳамда **«Ядро қуроли синовларини тамомлаш ва ёппасига тақиқлаш ҳақидаги шартномани тузиш тўғрисидаги»** совет таклифларини мамнуният билан кутиб олди.

Қуролсизланишга оид янги совет таклифларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти XXX сессиясида кўпчилик овоз билан қабул қилинганлиги КПСС ва Совет давлати ўтказиб келаётган ленинча ташқи сиёсатнинг, партия XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасининг ғоят муҳим муваффақиятларидан бири бўлди. Бу таклифларнинг халқаро ҳаётда амалга оширилиши СССР халқларининг манфаатларигагина эмас, балки ялпи тинчлик ишига, барча халқларнинг озодлиги ва хавфсизлиги ишига, уларнинг миллий мустақиллиги ва социал тараққиёти ишига хизмат қилади.

Буни Тинчлик учун курашувчи Миллий ҳаракатлар вакилларининг якинда (1975 йилнинг ноябрида) Ленинградда бўлиб ўтган жаҳон конференцияси ҳам алоҳида қайд қилиб ўтди. Конференция тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ҳамма кишиларга мурожаат этиб, халқаро кескинликни юмшатишни муқаррар тус олдириш, қуролсизланиш соҳасида янада илгарилаб бориш, урушни инсоният ҳаётидан соқит қилиш, ҳамма халқларнинг хавфсизлигини пухта таъминлаш учун ўз куч-ғайратларини кучайтиришга ва бирлаштиришга чақирди; халқаро майдонда ҳам, миллий доирада ҳам ҳаракат бирлигини таъминлаш ялпи тинчлик, социал тараққиёт ва қуролсизланиш учун курашда муваффақиятга эришишнинг гарови эканлигини таъкидлади.

Маълумки, Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиуми халқлар иродасини ифодалаб, 1975 йил июнь ойида Стокгольмда ўтказилган ўзининг сессиясида қуролланиш пойгасига қарши, қуролсизланиш учун янги оммавий кампания бошлаб юбориш тўғрисида барча мамлакатлар парламентларига ва ҳукуматларига, сиёсий партияларга ва касаба союзларига, жамоатчилик ҳаракатлари ва ташкилотларига, бутун дунё халқларига хитобнома билан мурожаат қилган эди. Тинчлик учун курашувчи миллий ҳаракатлар вакилларининг чақириғи тўғрисида СССР илгари сурган таклифларни якдиллик билан қабул қилди.

Маълумки, Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиуми халқлар иродасини ифодалаб, 1975 йил июнь ойида Стокгольмда ўтказилган ўзининг сессиясида қуролланиш пойгасига қарши, қуролсизланиш учун янги оммавий кампания бошлаб юбориш тўғрисида барча мамлакатлар парламентларига ва ҳукуматларига, сиёсий партияларга ва касаба союзларига, жамоатчилик ҳаракатлари ва ташкилотларига, бутун дунё халқларига хитобнома билан мурожаат қилган эди. Тинчлик учун курашувчи миллий ҳаракатлар вакилларининг халқаро интернационал анжумани эса, **янги Стокгольм Хитобномасини тўла равишда қўллаб-қувватлаб маъқуллади ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун ва қуролсизланиш учун 1976 йил давомида Жаҳон кампаниясини авж олдириб юборишга даъват этди.**

Тинчлик учун курашувчи Миллий ҳаракатлар вакилларининг Жаҳон конференцияси Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатига, унинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролини тарқ этиш ва ялпи тинчлик, халқаро хавфсизлик учун курашига юксак баҳо берди.

Совет кишилари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлар оммаси, ер куррасининг ҳамма қисмларидаги тинчлик тарафдорлари Жаҳон Тинчлик Кенгаши Президиумининг ўрток Л. И. Брежневни Ф. Жолио-Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» билан мукофотлаш тўғрисидаги қарорини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини ана шу олий мукофот билан қизғин табриклаб, самимият ва юксак эҳтиром билан муборакбод этдилар. Бу қонуниятли ҳолдир. Чунки, совет Тинчлик программасини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда, кескинликни юмшатиш ҳамда қуролсизланиш учун курашнинг ҳамма йўналишларида партиямиз, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва шахсан ўрток Л. И. Брежневнинг роли ва фаолияти ниҳоятда буюкдир.

Ўрток Л. И. Брежневга «Тинчлик олтин медали»ни топшириши ўзининг сиёсий ва амалий аҳамияти билан КПСС ва Совет давлати ўтказиб келаётган ленинча ташқи сиёсатнинг прогрессив инсоний мазмунини ва ялпи қуролсизланиш учун кураш Совет ташқи сиёсатининг олий мақсадидир.

З. ИСАМУҲАМЕДОВ,
доцент.

ТИНЧЛИК ПРОГРАММАСИ АМАЛДА

ИШ МЕЗОНИ

Бундан тўрт-беш йил муқаддам Тошкент тикув-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган буюмларнинг бозори анча касод бўлиб қолганди. Коллектив тез-тез рекламациялар ола бошлади. Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган костюмлар, пиджаклар, шимлар, мактаб формалари ҳамда бошқа буюмларнинг кўп қисми магазин омборларида туриб қолиши одат тусига кирди.

Ана шунда коллектив давр талабидан ортда қолаётганлигини, буюмларнинг сифати, хили, модели харидорларнинг ўсиб бораётган талаблари даражасида эмаслигини тушунди. Ишлаб чиқаришда катта ўзгаришлар қилиш вайти келганди.

Тўққизинчи беш йиллик бошида бирлашма меҳнатни илмий ташкил этиш, фан-техниканинг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш имконини берадиган янги тўрт қаватли корпусга кўчиб ўтди. Тикувчилар кенг, ёруғ, ҳар томонлама қулай цехларда меҳнат қила бошладилар.

Маҳсулотлар сифатини яхшилаш бўйича кенг тадбирлар комплекси ҳам коллектив янги корпусга кўчиб ўтгандан кейин белгиланди. Дастлаб корхонадаги машина-механизмлар, станоклар парки деярли батамом янгиланди. Газламани тайёрлаш ва бичиш, дазмоллашдан иборат сермеҳнат жараён ҳам механизациялаштирилди. Жумладан, кийимларга намлик ва иссиқлик билан ишлов берадиган «Паннония» типидаги линия ўзлаштирилганлиги сермеҳнат ишни механизациялаштириш, 50 нафар дазмолловчини бошқа ишга ўтказиш имконини берди, буюмлар кўримн яхшиланди.

Газмолларни елимлаб бир-бирига ёпиштирадиган машинанинг ишга туширилиши ҳам муҳим янгиликлардан бўлди. Илгари бу ерда тайёрланган костюмларнинг авра-астари бир-биридан ажраб турганлиги учун кийимнинг кўримн бузилади. Янги машина костюмнинг орасига солинадиган материални аврага елимлаб ёпиштиради. Бу буюмнинг кўримини яхшилайди.

Бирлашмада техника контроли бўлими кенгайтирилиб, сифатни бошқариш бўлими ташкил этилганлиги сифатли маҳсулот учун курашда ғоят муҳим аҳамият касб этди. Мазкур бўлим сифатни бошқаришни илмий асосда ташкил этди. Унинг тўртта секцияси бу соҳадаги барча ишларни қамраб олди. Бўлимда ишлаб чиқаришни янги моделдаги кийимлар тикишга тайёрлаш билан сифатни лойиҳалаштириш секцияси шуғулланади; стандартлаш ва унификациялаш секцияси буюмларни стандартлаш бўйича ишлаб ишлаш планини тайёрлайди, стандарт талаблари сўзсиз бажарилишини кузатади; сифатни назорат қилиш секцияси ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот сифатини назорат қилади; иқтисодий алоқалар секцияси савдо ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатади, харидорларнинг талабларини ўрганади.

Бирлашмада сифат учун кураш саратовликлар нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқариш методини жорий этишдан бошланди. Бу методда операциялараро жараён қатъий назорат қилинади. Бунда назоратчи нуқсон билан тайёрланган буюмни эгасига қайтариб бериш ҳуқуқига эга. У цех назоратчилари функциясини такрорламаслиги учун, уларнинг ҳар бирига аниқ инструкция берилади.

САНОАТ

Сифатни бошқариш бўлими савдо ташкилотлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйди. Марказий универсаль магазин, Бош универсаль магазин каби йирик савдо объектлари билан ўзаро шартнома тузилган. Бу шартномата биноан магазин ходимлари тез-тез корхонада бўлиб, маҳсулот сифати ҳақидаги ўз мулоҳазаларини, харидорларнинг талаб ва истакларини маълум қиладилар. Айни вақтда бирлашма инженерлари ҳар ҳафтада бир марта мазкур магазинларда навбатчилик қилиб, харидорлар фикрини ўрганишади, кейин эса бу ҳақда сифатни бошқариш бўлимида бўладиган йиғилишда ахборот беришади. Бундан ташқари сўнгги пайтларда Тошкентнинг йирик магазинларида бирлашма буюмларининг кўргазма —савдосини ташкил этиш ҳам анъанага айланиб қолди.

Бу тадбирлар харидорлар талабини яхшироқ билиш, тўғри истиқбол планлари тузиш, ассортиментни ўз вақтида ўзгартириш имконини бермоқда. Жумладан, 1975 йилда маҳсулот ассортиментининг 60 процента ўзгартирилди, 29 та янги модел жорий этилди. Келгусида бу рақам 75 процентга етказилади.

Коллектив сифат учун курашда ёш кадрлар тарбиясига ҳам катта аҳамият беряпти. Шу мақсадда бирлашма қошида ҳунар техника билим юрти очилди. Унга саккизинчи синфни ва ўрта мактабни битирган қизлар қабул қилинади. Қизлар бирлашмадан стипендия олиб ўқишади, ўқишни битиргач эса, шу ерниг ўзида ишлай бошлашади.

Коллективда мураббийлик ҳаракати яхши ташкил этилган. Бу ҳаракатга корхонадаги устозлар кенгаши бошчилик қилади. Ветеран ишчилардан М. Султонова, О. Багриновская, Г. Закритная, Н. Исмаева, Т. Буданова, А. Денисова, М. Содиқова кабилар энг яхши мураббийлар ҳисобланади. Улар қўл остида ҳунар ўрганган ўнлаб ёшлар ҳозир илғорлар сафидан ўрин олишган.

Амалга оширилган ана шу қатор тадбирлар ҳамда коллектив аъзолари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлиги туфайли беш йиллик план муддатидан икки ой илгари бажарилди. Ўтган беш йил мобайнида қарийб 179 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу саккизинчи беш йилликдагига нисбатан 131 процентни ташкил этади. Меҳнат унумдорлигини юксалтириш топшириғи ҳам ошириб уддаланди. Беш йиллик мобайнида корхона буюмларининг харидорбоплиги ортиб, рекламациялар сони тўрт баравар камайди.

Коллектив 1971 йилда давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёргарликни бошлаганди. 1973 йилда дастлабки иккита буюми маҳ шу фахрли беш қиррали белгига эга бўлди. 1975 йилда эса уларнинг сони олтитага етказилиб, 6273 та буюм шу белги билан тайёрланди.

Бирлашмада давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган буюмлар ҳозирча маҳсулотнинг умумий салмоғида катта миқдорни ташкил этмайди. Сабаби, ҳали уларни поток усулда ишлаб чиқариш йўлга қўйилганича йўқ.

Бирлашма коллективи тўққизинчи беш йилликда ўз буюмларининг иттифоқдаги ва жаҳондаги энг яхши намуналар даражасида бўлиши йўлида дастлабки ишларни амалга оширди. Ўнинчи беш йиллик бу борада илгарига томон алп қадамлар қўйиш даври бўлади. Чунки КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаларида енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтириш, сифатини яхшилашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Бирлашма коллективи ўз корхонаси маркаси билан чиқаётган кийим-кечаклар сифатини яхшилаш борасидаги ўнинчи беш йилликка мўлжалланган қатор тадбирлар комплексини ана шу янги кўрсатмалар асосида белгиламоқда.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

ЧЕВАРЛАР ЗАРБДОР ВАХТАДА

Олмалиқ тикув фабрикаси коллективи тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини муддатидан илгари адо этиб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига зарбдорчасига меҳнат қилишни бошлаб юборди. Фабрикадаги мавжуд тўртта цех ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада И. Гвонтмахер бошчилик қилаётган цех коллективи пешқадамлик қиляпти. Улар наинки фабрика бўйича, балки область маҳаллий саноат бошқармасига қарашли коллективлар орасида ҳам илғорлар сифатида танилган. Бошқарманинг бирнеча марта кўчма Қизил байроғи билан тақдирланганлар.

Цех коллективи ҳозирги кунларда 1977 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Ўтган йилда планга қўшимча мўлжалдаги 60 минг ўрнига 65 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Меҳнат унумдорлигининг 1,2 процент ортиши ҳисобига плондан ташқари 5 минг сўмлик фойда олинди. Бундай юксак муваффақиятларга эришишда Қумри Худойқулова, Соня Зинганшина, Света Ким, Зарифа Маткаримова каби чеварларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Цех чеварлари КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, биринчи квартал планини муддатидан олдин бажаришга ва плондан ташқари 20 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишяпти.

Тошкентдаги «Подшипник» заводининг шлифовкачиси Михаил Санчишен ҳозирги кунларда келгуси йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Суратда: М. Санчишен иш устида.

Ж. Тўраев фотоси.

МУНОСИБ СОВҒА

Оржоникидзе район матлубот жамиятининг коллективи партия XXV съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, катта муваффақиятларни қўлга киритди. Чакана товар обороти плани ўтган йилнинг 2 декабридаёқ ошириб адо этилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда харид қилиш плани эса деярли 6 миллион сўм ортиғи билан бажарилди. Айниқса, сабзавот, жун, тери-хом ашё маҳсулотларини тайёрлашда қувончли натижаларга эришилди. Матлуботчилар аҳолига нон маҳсулотлари тайёрлаб бериш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам ортиғи билан адо этдилар. Шунингдек, районда китоб савдоси ишлари яхши йўлга қўйилди.

Маълумки, шу кунларда барча совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини қизғин ўрганмоқдалар. Бу совет халқи фаровонлигини оширишдаги программ аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжатдир.

Лойиҳада халқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори аҳолига савдо хизмати кўрсатиш бўйича ҳам қатор режалар белгилаб берилган. Биз хизмат кўрсатаётган «Гўзал» универмагининг барча савдо ходимлари лойиҳани ўрганиб, тадбирлар белгилаб олдик. Бу ҳужжатдаги харидорларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, вақтни тежаш, аҳолига сифатли маҳсулот ва товарларни тортиқ қилиш тўғрисидаги сатрлар ўнинчи беш йилликда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, бу беш йиллик сифат ва самарадорлик беш йиллигидир.

Биз харидорларга намунавий хизмат кўрсатиш юзасидан социалистик мусобақани янада авж олдирамиз. Ўтган йилги меҳнат самараларимизни мустаҳкамлайверамиз. Коллективимиз якунловчи йилнинг биринчи ярмида «Центросоюз» правлениеси, СССР Савдо министрлиги ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма аимпелини олишга муваффак бўлганди. Ана шу вимпелни янги беш йилликда ҳам сақлаб қолиш учун курашяпмиз.

Универмагнинг Ҳожия Худойберганова, Анна Смирнова, Бахтиёр Бурхонов, Умриниса Нурматова ва Азиза Эргашева сингари ходимлари янги беш йилликда ўзларининг масъулиятли вазифаларини бажариш билан бирга-ликда мураббийлик йўли билан ёш савдо ходимлари тайёрлаш мажбуриятини ҳам олдилар.

Коллективимизнинг кўзланган муваффақиятларга эришишида кўп йилдан бери савдо системасида ишлаб тажриба орттирган Г. Бобоевнинг ҳиссаси катта. У айниқса, ёш кадрларни тарбиялаш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ҳақида ўзининг маслаҳатларини аямайди. М. Асилова, М. Тўлаганова, М. Толипова ва М. Халимбоева сингари ёшлар тажрибали савдо ходимлари қаторидан ўрин олишди.

Биз ўзимизнинг ишлик ғайратимизни ва малакамизни қишлоқ меҳнаткашларига бундан буён ҳам савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, савдога прогрессив методларни жорий этишга сарфлайверамиз.

Ҳ. ИКРОМОВ,
«Гўзал» универмагининг ходими.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Павловна Казанцева зиммасидаги шахсий ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам равишда муддатидан илгари бажариш билан бирга, мураббий сифатида шуҳрат қозонган. Лидия Павловна бундан уч йил муқаддам комбинатда илғор тажриба мактабини ташкил этган эди. Бу мактабда дастлаб у 85-ҳунар-техника билим юртини тугатиб келган беш тўқувчига ўз маҳорати сирларини ўргатди. Улар қисқа муддатда Қаҳрамоннинг илғор тажрибасидан баҳраманд бўлиб, прогрессив иш усулларини қўллай бошладилар. Натижада, ярим йил ўтмасданоқ нормадаги 24 ўринга 36 тадан станокни бошқаришга ўтишди.

Бугунга келиб комбинатда «Казанцева мактаби» юзтага етди. Бу мактабда кўплаб ёш тўқувчилар тўқувчилик касбининг нозик сирларини, илғор иш усулларини ўзлаштиришяпти. Л. П. Казанцева шу кунларда яна 4 шогирдга мураббийлик қиляпти. Улар яқин кунларда 36—40 тадан станокни бошқаришга ўтиш учун тайёргарлик кўришмоқда.

СОВХОЗГА ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

«Главташкентстрой» бошқармасига қарашли «Таштрансспецстрой» трести коллективи Пискент районидаги Вахрушев номли совхозни оталиққа олганига бирнеча йил бўлди. Ўтган давр мобайнида улар оталиқдаги коллективга ҳақиқатан ҳам катта ёрдам кўрсатишди. Жумладан, совхоз территориясини ободонлаштириш, кўплаб қурилиш ишларини амалга оширишда кўмаклашдилар. Ўтган йилнинг ўзида совхозда трест ишчи ва хизматчилари иштирокида ферма қурилиши ниҳоясига етказилди. Хўжаликнинг марказий кўчалари асфальтланди. Совхоз территориясидан оқиб ўтадиган канал устига кўприк қуриб беришди.

— Оталиқ ёрдами кўрсатишда айниқса, комсомолёшларимизнинг ҳиссаси катта бўлди,— дейди трест комсомол комитетининг секретари Т. Ирисов.— Улар совхозда кўпгина бунёдкорлик ишларини бажаришди.

«Таштрансспецстрой» коллективи намунавий оталиқ ёрдами кўрсатгани учун Тошкент область партия комитети ва область касаба союзлари комитетининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда совхоз дирекциясининг турли совғалари билан тақдирланган. Бунёдкорлар ўнинчи беш йилликда ҳам совхозга янада кўп ва сифатли ёрдам кўрсатиш режаларини тузишяпти.

А. ЖАМИЛОВ,
қурувчи.



Тошкент Давлат Университети бош корпусининг ёнгинасида студентлар маданият уйи қурилиши тугай деб қолди. Тез орада студентлар бу ерда турли маданий-оқартув ишларини олиб бориш имкониятига эга бўладилар, улар учун барча зарур шароитлар яратиб берилади.

Суратда: студентлар маданият уйининг кўриниши.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

СИЕСИЙ АХБОРОТЧИ, АГИТАТОР, СИЕСИЙ ТАШКИЛОТЧИЛАРГА ЁРДАМ

1975 йил — беш йилликнинг якунловчи йили совет кишилари хотирасида ёркин таассуротлар қолдирди. Ўтган йил совет кишилари ажойиб меҳнат зафарларини қўлга киритиб, мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамладилар.

Барча совет кишилари қатори пойтахт Тошкент области меҳнаткашлари партия XXIV съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимлари ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб меҳнаткашлар эўр кўтаринкилик билан ўнинчи беш йиллик марраларини эгаллаш учун одим ташладилар. Улар меҳнатда энг яхши натижаларни қўлга киритишга интилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети декабрь (1975 йил) Пленумининг қарорлари, «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида белгиланган Ватанимизни янада ривожлантириш истиқболлари ана шундай ишлашни тақозо этмоқда.

Сиёсий ахборотчи, агитатор, сиёсий ташкилотчиларнинг вазифаси ўтказиладиган суҳбатларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тежамкорлик, маҳсулот сифатини яхшилаш учун съездолди мусобақасининг боришини кенг тушунтириб беришдан иборат. Партия ташкилотларининг агитация кадрлари учун семинар ўтказишлари тавсия қилинади. Шу мақсадда қуйидаги материаллар ва мақолалардан фойдаланиш мумкин: **КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съездига лойиҳаси «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»** (марказий, республика, область газеталарининг 1975 йил 14 декабрь сонлари).

Партия съездига тайёрланиб («Политическое самообразование» журнали, 12-сон, 3—9-betлар).

Қаҳрамонни мисол қилиб ол («Агитатор» журнали, 24-сон, 17—19-betлар).

Январь ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги мақолалардан фойдаланиш тавсия этилади.

МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЕСИЙ ҲАЕТИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари». (марказий, республика, область газеталарининг 1974 йил 14 декабрь сонлари, «Правда» газетасининг 15 декабрь сони).

Миллионларнинг съездолди вахтаси («Коммунист» журнали, 17-сон, 16—26-betлар), «Агитатор» журнали, 23-сон, 2—6-betлар).

Интернационализм — партиянинг ғоявий-назарий ленинча миллий сиёсати («Ўзбекистон коммунисти» журнали, 12-сон, 39—45-betлар).

Ўзбекистон ССР аҳолисига хизмат кўрсатиш ишларини ривожлантиришнинг хусусиятлари («Ўзбекистон коммунисти» журнали, 12-сон, 52—57-betлар).

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЕТИ МАСАЛАЛАРИ

Янги беш йилликнинг дастлабки марралари («Агитатор» журнали, 24-сон, 5—8-betлар). **Беш йилликларнинг зарбдор одимлари** («Новое время» журнали, 50-сон, 4—6-betлар ва 52-сон, 4—5-betлар).

Социалистик мусобақа ва маҳсулот сифати («Ўзбекистон агитатори» журнали, 23-сон, 17—18-betлар). **Меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси** («Политическое самообразование» журнали, 12-сон, 29—36-betлар, «Агитатор» журнали, 23-сон, 15—17-betлар).

Фермада қиш («Агитатор» журнали, 24-сон, 21—22-betлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ

Экономика, экология, идеология («Коммунист» журнали, 17-сон, 47—73-betлар).

Социалистик мулкни эҳтиёт қилайлик («Ўзбекистон агитатори» журнали, 23-сон, 25—26-betлар).

Аёллар ва черков («Агитатор» журнали, 23-сон, 43—45-betлар).

Қишлоқ хўжалик меҳнатининг фан-техника тараққиёти таъсирида ўзгариши тенденцияси («Ўзбекистон коммунисти» журнали, 12-сон, 46—51-betлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Муҳим марра эгалланганда («Коммунист» журнали, 17-сон, 104—114-betлар, «Международная жизнь» журнали, 12-сон, 99—107-betлар).

Тинчлик кучлари ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда («Партийная жизнь» журнали, 24-сон, 10—13-betлар, «Ўзбекистон агитатори» журнали, 23-сон, 6—8-betлар).

Ҳозирги шароитда жаҳон майдонида идеологик курош («Политическое самообразование» журнали 12-сон, 70—78-betлар, «Международная жизнь» журнали, 12-сон, 87—98-betлар).

Кескинлик юмшатилишининг душманлари ва уларнинг «далиллари» («Агитатор» журнали, 24-сон, 26—28-betлар), «Международная жизнь» журнали, 12-сон, 3—14-betлар).

Социализм иқтисодий сиёсатининг олий мақсади («Международная жизнь» журнали, 12-сон, 15—23-betлар).

Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилсин («Агитатор» журнали, 24-сон, 41—43-betлар).

Ангола («Международная жизнь» журнали, 12-сон, 140—142-betлар).

Маоизм — хитой халқининг фожиаси («Агитатор» журнали, 23-сон, 30—32-betлар).

Миллионлаб «ортиқча қишилар» («Агитатор» журнали, 23-сон, 52—53-betлар).

ЭСЛАТМА: **суҳбатларга тайёрланиш чоғида вақтли матбуот материаллари, рақамлар, маҳаллий факт ва мисоллардан фойдаланинг.**

ПАХТАКОР ОДИМЛАРИ

Қиш тўнини ечган пайтлар эди.

Деҳқон ерга ташлаган уруғ қобиғини ёриб, илдиз отмоқчи, униб-ўсиб, қуёш бетини кўрмоқчи. Ташқарида эса офтоб қайноқ тўшини тупроққа уриб, намни осмонга учиради. Унинг оташ лаби нам ялаганн-ялаган. Тупроқ қуруқшаб боради. Бунн кўрган деҳқон ташвишда, кўкка кўз тикади. Кўм-кўк фазода табиат оташконаси куч ҳаракатини шу ёққа бурган.

— Не тадбир даркор?

Далаларда, идораларда шу савол кўндаланг.

— Маслаҳат мажлиси чақирмоқ керак.

Пахта илмини эгаллаган, табиат инжиқликларига неча йиллар давомида бардош бера олган, ҳосил учун курашда ғолиб чиққан, фасллар шароити ҳаёт дафтари варағида аниқ-равшан битиб қўйилган устозлар шу мажлисга йиғилишди. Гап бир ердан чиқди:

— Тупроқда табиий нам йўқ экан, биз нам етказиб беришимиз керак. Чигит суви қўймоқ зарурий тадбир бўлиб қолди.

Каналлар тўғони тўсилди. Сув далаларга оқди.

Юқори Чирчиқ деҳқонлари ҳам шу маслаҳатга қўшилган, чигитнинг тез, соғлом унниси учун нам бериб, унга кўмаклашган эдилар. Энди эса хирмон баракасига яна бараке киритган тадбиркор деҳқонлар ўзларининг ким эканликларини очиқ намоён қилиб турибдилар.

«Оқ олтин» бунтларига назар ташлар эканмиз, пахтакорларимиз кўкламда, ёзда, кузда босиб ўтган йўлларини сарҳисоб қилиш эҳтиёжи туғилиб қолди.

Юқори Чирчиқ — нисбатан ўртача пахтакор район. Лекин, ҳосилдорликда биринчилар сафида юради. Олдиндан айтиб қўяқолайлик, пландаги 24500 тонна ўрнига 32355 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Бу деҳқонларнинг ердан унумли фойдаланаётганликлари, пахта майдонларини яхши боқиб, яхши унум олиш учун курашаётганликларини кўрсатади. Кўкламда чигитни ундириш даврида қилинган иш ёзнинг жазирама кунларида давом этди. Ғўзалар иссиқ ҳароратидан тез-тез сувсаб турди. Уларни вақтида суғориш, оби-ҳаётни етарли миқдорда етказиб бериш машаққатли кўчди. Чунки, каналларда сувнинг миқдори тўлган йиллардагига қараганда анча кам бўлди. Ана шундай пайтда ҳисобдон деҳқонлар сувни тежаб-тергаш тўғрисида қаттиқ иш олиб бордилар. Бир литр сувнинг нафи икки литр сувга тенглаштирилди.

Баҳор ва ёз кунлари қилинган меҳнат, уйқусиз тунлар, жазирама офтобда дала кезишлар — буларнинг ҳаммаси яхши натижа билан якунланди.

Поёнсиз пайкалларда «оқ олтин» пишиб етилаётган кезларда механизаторлар олдинги сафга ўтиб, ҳосилни тез йиғиб-теріб олиш режаларини тузидилар. Саидваққос Қўнисов, Абдушукур Курмашов, Леонид Ким, Аслбек Ражабов, Анастасия Цой, Любовь Кураедова, Валентин Ким, Улбўлсин Тошбоева, Маҳмуд Аҳмедов, Усар Ражабов, Турғун Холматов ва шулар сингари механизаторлар «пўлат отларини улкан пойгага олиб чиқар эканлар, шундай дедилар:

— Биз бу галда ҳам ишимиз натижасини янада яхши бўлишини истаймиз. Шунинг учун мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, тез фурсатда йиғиштириб оламиз. Машиналаримизни тўхтовсиз, унумли ишлаши учун ҳаракат қиламиз. Ҳар биримиз 150-170 тоннадан пахта теришга сўз берамиз.

Баҳодир механизаторларнинг бу жарангдор чақириқлари райондаги ҳамма колхозларга етиб борди. Барча механизаторлар белни маҳкам боғлаб, ишга отландилар. «Оқ олтин»дан оппоқ либос кийган, кенг далаларда «зангори кема»лар жавлон ура бошлади.

Йиғим-терим авжига минган кунларнинг бирида биз район партия комитетининг биринчи секретари Абдумажид Қодиров билан далаларни айланиб юриб, механизаторларнинг ватанпарварлик ишларига қойил қолганлигимизни айтдик. У бизга бундай деди:

— Механизаторларимиз ишнинг асосий қисмини ўзлари бажаришларини, бунинг масъулиятини, ҳозирги давр механизация даври эканлигини тўла ҳис этадилар. Шунинг учун ҳам йиғим-теримнинг қизғин кунларида йиллик планга нисбатан 8-9, 10 процентдан, ҳатто ундан ҳам ошириб пахта тайёрлаб турилди. Баъзи колхозлар, масалан, машъал хўжалик «Политотдел» колхози суръатини оширишда бундан ҳам юқори кўрсаткичга эришди.

«Политотдел» колхозидан Шодил Шосолмонов, Ғани Каримов, «Правда» колхозидан СССР Олий Советининг депутати Кан Анатолий, Карл Маркс номли колхоздан Ортиқ Бекинов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда гектаридан 45—50 центнердан ҳосил етиштириш ва уни тез териб олиш юзасидан бошланган иш мисли кўрилмаган қисқа бир фурсатда бажарилди.

Карл Маркс номли колхоз ҳақида тўлароқ фикр юритмоқчимиз. Бу колхоз жойлашган қишлоқ қадимдан Узоқтош, деб аталади. Бу ерлик кексаларнинг таърифича қишлоқ бошланишидан то охиригача тошлоқ бўлганлиги сабабли шундай ном берилган. Тошлоқда «оқ олтин» ундираётган кишиларнинг меҳнатини улуғламай, уларга таҳсинлар ўқимай бўладими? Шулардан бири Ортиқбой Бекиновдир. Бу бригадада 90 гектар ерда пахта, 60 гектар майдонда каноп етиштирилади. Улар 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилишган. Планлари гектаридан салкам 29 центнердан бўлгани ҳолда тошлоқ ерлардан 50 центнердан ҳосил етиштиришга журъат этганларининг важи қаерда?

— Бунинг учун бизда барча имконият бор, — дейди бригада бошлиғи, — колхозчилар, механизаторларимиз сертупроқ, унумдор ерларда меҳнат қилаётган деҳқонларга қараганда бир ярим, икки ҳисса кўп меҳнат қилдилар. Эрта кўкламдан то кеч кузгача, кеч куздан эрта кўкламгача тиним билмай ишландик.

Бутун умри меҳнат билан ўтаркан буларнинг, деб ўйламанг. Навбати билан дам оламиз, дам олганда ҳам саломатликни яхшилайдиган, кучга-куч қўшадиган жойларда дам оламиз. Турмушимиз, ҳаётимиздан нолийдиган жойимиз йўқ.

Дарвоқе, гап пахта устида, камтупроқ, сершағал ерлардан мўл ҳосил етиштириш тўғрисида бораётган эди. 50 центнердан пахта топширган эканмиз, бу кишиларимизнинг ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббати, пахтакорлик бурчига муносабати туфайлидир. Шу сабабли биз ишимизни енгиллаштираётган механизаторлардан Конгрибой Сафишов, Хўшен Турғунбоевларни ҳурмат-иззат қиламиз. Топширилган ҳамма пахтамизнинг атиги 83 тоннаси қўлда териб олинди. 450 тоннага яқини машиналарда терилди. Оз бўлса ҳам, қўлда териладиган майдонларда фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилган Меҳрихон Валқинбоева, Сафаргул Кўчқорова, Нортожи Усмоноваларнинг номини ҳам ҳурмат билан тилга оламиз.

Бригада бошлиғи сувчилар номини алоҳида ҳурмат билан таъкидлайди.

— Хирмонларимизнинг бунчалик баракали бўлишида сувчиларнинг хизмати катта бўлди. Сершағал ерларда сув тараш — мураккаб ва қийин иш, далани ҳадеганда оби-ҳаётга қондириб бўлмайди. Бунинг учун ишнинг тилини билиш керак. Миришкор сувчилардан Ирис Эркабоев, Саидвали Абдувалиевлар далаларида ҳосил айниқса юқори бўлди.

Бригаданинг бу йил эришган ютуқлари ҳақида гап кетганда кўчат қалинлиги, чигит экиш схемаси ўзгарганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Илгаримиз бир гектар ерда 80—90 минг туп кўчат ўстирилган бўлса, жуда суюнар эдик. Бу йил эса чигит 90х8 схемасида экилганлиги сабабли ҳар гектар ерда 130 минг тупдан ўўза ўстирилди. Мана шунинг ўзи ҳосилдорликни оширишда бурилиш ясади, деса бўлади. Бригада канопчилари ҳам катта ютуқни қўлга киритдилар. 155 ўрнига 202 центнердан «кўк олтин» йиғиб олинди.

Бригадир билан келажакдаги режалар, уй-рўзғор ишлари тўғрисида узоқ гаплашдик. У тўрт ўғли борлиги, уларнинг ҳаммаси асосан механизаторлик ишлаётганлиги тўғрисида гапирди. Ҳасан Ортиқов — шофер, Ҳусан — тракторчи, Усан — шофер. Яқинда Совет Армияси сафидан қайтиб келган танкчи Ҳурсаналининг нима иш қилиш унинг армия хизматида қандай қисмда бўлганлигидан билиниб турибди.

— Меҳнатимизга яраша катта ҳақ олаяпмиз, — дейди бригадир. Ўртача ойлик маошим 344 сўмга етади. Ўғилларникини ҳам қўшадиган бўлсам, салкам минг сўм бўлади. Бригадамизнинг бошқа аъзолари ҳам даромад олишда шу даражадан кам эмас.

Колхоз қишлоғи кейинги йилларда гуллаб яшнаб бормоқда. Улар қишлоқ қурилиши андозасини «Политотдел» колхозидан олишган.

Колхоздан қайтар эканмиз, қишлоқ меҳнаткашлари пири-бадавлатлигининг манбаи бўлган поёнсиз далалар ҳосилдан бўшаб, ҳордиқ чиқариб ётарди. Деҳқонлар бу ерга қиш ичи дам бериш учун, кўкламгача семириб етилиши учун жуда кўп озиқ берганлар. Ана шу она ер деҳқон кўксини ҳамиша кўтаради, қилинган меҳнатига яраша мева беради, ҳаётини фаровон қилади.

«Оқ олтин»га кон далалар ҳамиша бор бўлсин!

С. МАҲКАМОВ,
Б. ХАЛИЛОВ.

Юқори Чирчиқ райони.

ҚИШЛОВ-СИНОВ

Чорвадорлар ҳаётида муҳим давр — қишлов мавсуми бошланди. Бу йилги мавсумда Ленин номли колхоз чорвадорлари чорвачиликни юксалтириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Чорва моллари наслини яхшилаш, чорвачиликни комплекс механизациялаш туфайли хўжалик маҳсулот етиштириш бўйича тўққизинчи беш йилликда қувончли натижаларни қўлга киритди. Бу соҳадаги планлар муддатидан олдин ошириб адо этилди. Беш йиллик план тўрт йилда бажарилди. Сут сотиш плани 185 процентга, гўшт топшириш 132 процентга адо этилди. Еки беш йиллик пландагидан 1399 тонна кўп сут, 106 тонна кўп гўшт етказиб берилди. Эришилган бу муваффақиятлар хўжалик чорвадорлари фидокорона меҳнатларининг самарасидир.

Социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилган колхознинг аъзамат чорвадорлари беш йилликнинг якунловчи йил планларини ҳам муддатидан олдин ўринлатиб қўйдилар. Сут топшириш плани 120 процентга, гўшт топшириш плани 105 процентга етказилди.

Қишлов—синов. Ана шу имтиҳонга пухта ҳозирлик кўрган, молларни намунали парвариш қилаётган чорвадорлар қишда ҳам молларнинг соғлом ва семиз бўлишини, бир меёрда кўп маҳсулот олинишини таъминламоқдалар.

Чорва моллари учун етарли озуқа базаси яратилди. Яъни 1484 тонна беда, 1840 тонна сенаж, 4276 тонна силос, 400 тоннага яқин табиий пичан, 128 тонна беда уни, 15 тонна донадор витаминли озуқалар ҳозирланди. Тайёрланган бу ем-хашаклар қишлов учун бемалол етади. Лекин, соғувчилар ва молбоқарлар ем-хашакдан тўғри фойдаланиш, унинг бир граммини ҳам нушхўрдга чиқармаслик учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Чорва қишловини намунали ўтказиш маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун колхоз правленеси, партия ташкилоти муҳим тадбирлар белгиладилар. Чорвадорлар ана шу режалар асосида иш олиб бормоқдалар.

Э. ИСМОИЛОВ,
Бекобод райони.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ШАХТАДА ҚУТҚАРИШ ИШЛАРИ

ДЕҲЛИ, 5 январь. (ТАСС). Бихар штатининг Часналла кўмир шахтасида янги йил арафасида юз берган авария натижасида сув остида қолган 370 дан кўпрок шахтёрни қутқариш учун шу шахтага совет авария-қутқариш командаси келиб шахтадан сувни чиқара бошлади.

Авария-қутқариш асбоб-ускуналари дарҳол Совет Иттифоқидан Ҳиндистонга «Антей» самолётларида келтирилди.

Деҳли газеталари СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Часналла шахтасидаги фалокат муносабати билан ҳамдардлик билдириб Бош министр Индира Гандига йўллаган телеграммасини эълон қилдилар.

Ҳиндистон давлат меҳнат министри Рагҳунатха Редди совет асбоб-ускуналари келтирилганлиги туфайли сув босган шахтадан сувни чиқариб олиш ишлари уч баравар тезлашганлигини айтди. Рагҳунатха Редди берилган ёрдам учун Совет Иттифоқига миннатдорчилик билдирди.

Ҳиндистон пўлат ва шахталар давлат министри Чандражит Ядав шахтадаги сувни бутунлай чиқариб ташлаш учун яна бир ҳафта вақт керак бўлади, деди. Мутахассислар шахтёрлардан бир қисми қутқариб олиниши мумкин, деб ҳисоблашмоқдалар.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕРН. «Нойе цюрхер цайтунг» газетаси ўтган йилни «пучга чиққан умидлар йили» деб атади. Газета 1975 йил Швейцария учун урушдан кейинги даврда энг оғир иқтисодий танглик йили бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

РАНГУН. Бу ерда эълон қилинишича мамлакатнинг шимоли шарқий чегара районларида Бирма армиясининг операциялари натижасида афюн билан савдо қилувчи Хитой савдогарларидан 43 киши қўлга туширилган ва 39 киши ўлдирилган. Қуқнор ўстириш ҳамда ана шу гиёҳдан тайёрланган афюнларни Бирмадан ташқарига чиқариб юбориш учун иккинчи жаҳон уруши вақтидан буён одам ўтиши мушкул бўлган тоғли районлардан фойдаланиб келган ана шу бандитлардан кўпдан-кўп миқдорда қурол-яроғ тортиб олинди.

РИО-ДЕ-ЖАНЕИРО. Бразилияда 1975 йил мобайнида миллий пул бирлиги — крузейро харид қуввати ўн тўрт марта девальвация қилиниши натижасида шу пулнинг қадри 24,9 процент тушиб кетди.

БРАЗЗАВИЛ. Конго Халқ Республикаси билан Ангола Халқ Республикаси бу ерда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Конго радиосининг хабар беришича, Конго Халқ Республикаси ана шу ҳужжатга биноан жумладан, Анголага газ ва нефть маҳсулотлари етказиб беради.

(ТАСС, 5 январь).

ЙИЛ ҚАЙҒУЛИ БОШЛАНДИ

ЛОНДОН. 5 январь. ТАСС мухбири И. Титов хабар қилади: Шимолий Ирландияда янги йилнинг дастлабки кунларида янги зўравонликлар содир бўлди. Ирландия чегарасида жойлашган «Ло инн» меҳмонхонасида кеча рўй берган портлаш натижасида ўн етти киши жиддий жароҳатланди. Бу қонли ифвогарликнинг ташкилотчилари «Қизил қўл» деб аталган протестант экстремистлар эканлиги аниқланди. Бу қонли ифвогарликнинг ташкилотчилари «Қизил қўл» деб аталган протестант экстремистлар группасига мансуб унсурлар бўлиб, улар вилоятнинг тинч аҳолисига қарши ўз операцияларини «муваффақиятли» ўтганлигини эълон қилдилар. Худди ўша куни Лурган шаҳрида католик динига мансуб ирландиялик учаёл протестант экстремистларнинг узоқ ўқидан ҳалок бўлди. Январь ойининг дастлабки кунларида Шимолий Ирландияда ўлдирилган ва яралар қилинган кишиларнинг сони шу тариқа 50 дан ошиб кетди.

СОТҚИНЛИК ОҚИБАТИ

ПРАГА. 5 январь. (ТАСС) Капиталистик мамлакатлардаги энг реакцион доиралар, ҳар хил турқдаги антикоммунистлар ва маочилар кескинликни юмшатишга қарши курашда кучларини бирлаштирадилар. Сахаров эса ҳозир мана шуларга жўр бўлиб қолди, деб ёзади «Руде Право» газетаси. «Ўтакетган реакция билан иттифоқ» сарлавҳали мақоласида. Дунёни «совуқ уруш» даврига қайтаришни астойдил истаган кимсалар Сахаровнинг социализмга нисбатан қилган ҳуружи ва туҳматини олқишламоқдалар. Сахаров ғарбда босилган сўнгги «асарида» очиқдан-очиқ кескинликни юмшатишга қарши, Умумевропа кенгашининг якунларига қарши чиқди. У, капиталистик ва социалистик мамлакатлар ўртасида ҳамкорликка қарши чиқиб, социалистик мамлакатлар гўё «ғарб цивилизациясига хавф туғдирмоқда» деб даъво қилди, капиталистик мамлакатларнинг реал фикр юритувчи доираларини умуман Совет Иттифоқи ва социалистик давлатлар билан савдо қилаяптилар, деб айблади.

Бошқача қилиб айтганда, у ғарбни халқаро савдо алоқаларидан социалистик мамлакатларга нисбатан мафкуравий ва сиёсий тазйиқ ўтказиш воситаси сифатида фойдаланишга чақиради. У ҳатто капиталистик мамлакатларнинг раҳбарларига ўзларининг ҳарбий бюджетларини ҳамма чоралар билан кенгайтиришни, янги урушга тайёргарлик кўришни маслаҳат берди.

«Руде право» газетаси яна бундай деб ёзади: ўз ватанига туҳмат қилган кишилар оқибат пировардида унинг ашаддий душманлари билан бир йўлга кириб қолишлари муқаррар. Сахаров «воқеаси» буни яна бир марта исбот қилди.

Сўнгги беш йил ичида Корея Халқ Демократик Республикасининг темир йўл ларида юк ташиш ҳажми 1,7 баравар ошди. Темир йўлларда ҳаракат қилаётган электровоз ва тепловозлар сони кўпайди. Улар бажараётган ишнинг иқтисодий самарадорлиги ортди. Суратда: оғир юкли состав электрлаштирилган линияда.

ЦТАК—ТАСС фотоси.

КИМ ОШДИ ҚИЛИБ СОТИЛМОҚДА

ПАРИЖ. 5 январь. ТАСС мухбири С. Старосельский хабар беради. «Мен мактабдан қайтиб келган чоғимда квартирамизнинг эшиклари бузиб ташланган, хоналаримиз бўм-бўш эди. Менга қўшниларимиз қарз тўланмаганлиги учун нарсаларингизни олиб кетишди деб айтишди. Ҳатто ўйинчоқларимни ҳам қолдиришмабди». 12 яшар Пьерл. Унинг ота-онасининг молмулки мусодара қилинган куни ана шундай эслаб қолган.

Франциядаги шаҳарларда мусодара қилинган молмулкни ким ошди қилиб сотиш тўғрисидаги эълонлар кўзга тез-тез ташланиб туради. Қарзни тўлаш муддатини ўтказиб юборишнинг оқибати камбағаллар учун айниқса аянчли, уларнинг оилалари бундай тақдирда энг зарур буюмларидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Асосан квартираларнинг эгалари уйда йўқлигида уларнинг мол-мулклари олиб кетилмоқда. Суд ижрочиларидан бири бунинг сабабини сурбетлик билан изоҳлаб: «ортиқча ҳиссиётга йўл қўймаслик учун шундай қилинади» деди.

Лион шаҳридан бева қолган Моника Ф. навбатдаги взносини тўламагандиги учун янги йил арафасида кредитга харид қилган телевизорини мусодара қилишди. «Бодаларим йиғлаб қолишди, ақалли бир ҳафта муҳлат беринглар деб илтимос қилсам ҳам бари беҳуда кетди,— деб ҳикоя қилади Моника.— Менга сен қарзни қасддан тўламаяпсан. Келаси сафар сени қамаб қўямиз, деб дўқ уришди.

Янги йил французларга ўзи билан бирга кутилмаган янги «воқеаларни» олиб келди. Сут ва нон маҳсулотлари, почта тарифлари ошганлиги эълон қилинди. Тамакининг нархи ҳам қимматлашди. Франция меҳнаткашлари ва ишсизлар ким ошди савдоси тўғрисидаги эълонлар нархи ҳам ошса керак деб безиз галирмаяптилар.

Кеча Тошкент шаҳрининг Киров район ижроия комитетида янги паспорт топшириш маросими тантаналли равишда бошланди. Биринчи бўлиб кекса коммунистлар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари бу гражданлик ҳужжатни олишга муяссар бўлдилар. Биринчи бўлиб паспорт олганлар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Иванович Гулин, Денис Филипович Рзянин, меҳнат ветеранлари Солихбек Қурбонов, Абдуғофир Хатамов, Мусо Мирзаевлар ҳам бор эдилар. Суратда: (юқоридан пастга) 1. Киров район ижроия комитетининг раиси С. С. Расулов янги паспорт топшираётган пайт. 2. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. И. Гулин (ўнгда) ва меҳнат ветерани Нишон Ризаевлар янги паспорт олганларидан сўнг.

А. Абалян фотолари.

ЁШЛАР САҲНАГА ҚЎЙГАН АСАР ПРЕМЬЕРАСИ

Ҳамза номли Ўзбекистон академик драма театрининг ёшлардан иборат ижодий уюшмаси Гогольнинг «Ўйланиш» комедиясини саҳнага қўйди. Тошкент театр-рассомчилик институтини яқиндагина битириб чиққан ёшлар асардаги ролларнинг ҳаммасини ижро этишди. Театр биринчи марта бундан қирқ йил муқаддам «Ўйланиш» спектаклини саҳнага қўйган эди. Эндиликда ўзбек саҳнасининг усталари — СССР халқ артистлари Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Республика халқ артисти Шоҳида Маъзумова ўшанда асосий ролларни ижро этишган эди. Спектаклда ўзбек саҳнасига биринчи марта қадам қўйган артист Мария Кузнецова ҳам спектаклда қатнашган эди. Гоголнинг бу комедияси Ҳамза номли театр эълонларидан узоқ йиллар мобайнида тушгани йўқ.

«Ўйланиш» асари театр саҳнасида янгидан қўйилди. Асар Абдулла Қаҳҳор таржимаси асосида саҳнага қўйилди.

Янги қўшиқлар

ЙЎЛДАМАН, ЙЎЛДА!

Далалар бағрига шошар анҳорлар
Ўйнга шошгандек болали она·
Олга етаклади ширин хаёллар
Вафодор ёр каби бўлиб парвона,

Йўлдаман, йўлда!

Йиллар ўтаётир навбатма-навбат,
Гўё юк ортилган заҳматкаш филлар.
Бошлади бахш этиб руҳимга лаззат,
Нурли олисларга парвваш диллар.

Йўлдаман, йўлда!

Йўлларим гоҳ чаман, гоҳо жазира;
Гоҳо толе ҳамроҳим — гўёки санам,
Келажак кўриниб олтин хазина,
Дўстлар қаторида ташлайман қадам.

Йўлдаман, йўлда!

ДАШТ ЖИЛВАСИ

Тоғ чашмасин жилвасидек сеҳрлади даштт,
Хаёлида гўё қалбин ром айлади даштт.
Оташин ишқ юрагида олиб аланга,
Назарида йўлларини ёғдулади даштт.

Нақорат.

Асов даштнинг дили ўйнатар даҳшати бор-е,
Даҳшатин даф этганга эл раҳмати бор-е.

Тантиларнинг лочин каби парвози баланд,
Фикри доим юртнинг эзгу дарди билан банд.
Тўлқинлаган дарё мисол шижоатидан
Бахти кулган нелинчандек яшнар табиат.

Нақорат.

Заҳматкашнинг манглай тери маржон, дейдилар,
Маржон терли мўътабари даврон, дейдилар.
Даштга оро бергувчи чин мардона инсон
Эл руҳидек кўнгли ҳар дам хандон, дейдилар.

Нақорат.

Ямин ҚУРБОН.

Реклама ва эълонлар

КИНО ЯНГИЛИКЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ТЕЗ КУНДА

«БУНИ БИЗ ЎТМАГАНМИЗ»

ЯНГИ, КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифи — МИХАИЛ ЛЬВОВСКИЙ (Илья Фрэз иштирокида).
Постановкачи режиссёр — ИЛЬЯ ФРЭЗ.
Ролларда: Наталья РОГАЧЕВА, Борис ТОКАРЕВ, Татьяна КАНАЕВА, Андрей РОСТОЦКИЙ, Антонина МАКСИМОВА, Татьяна ПЕЛЬТЦЕР, Вера ВАСИЛЬЕВА ва бошқалар қатнашадилар.

БУ ЛИРИК КОМЕДИЯ ФИЛЬМ БЎЛАЖАК УҚИТУВЧИЛАР-ЁШ ПРАКТИКАНТЛАРНИНГ БИРИНЧИ ҚАДАМЛАРИ, УЛАРНИНГ ХАТОЛАРИ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАРИ, ҲАМДА ҲАЁТ УЛАРНИНГ ОЛДИГА ҚЎЙГАН ҚУТИЛМАГАН ВА МУРАККАБ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ УЧУН АЛОҲИДА ҚОБИЛИЯТ ЗАРУРЛИГИ ҲАҚИДА ВА ЎЗ ИШИГА МУҲАББАТ ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.
РЕКЛАМАЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИНГ!

ОЙДИН ҚЎШИҚ

Ёш қалам соҳиби Эмин Усмонов пахта ва пахтакорларни шарафловчи «Ойдин қўшиқ» номли роман ёзди. Пахтакорларнинг машаққатли меҳнати уларнинг олимлар билан ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилувчи бу асар «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилмоқда. Қуйида шу асардан бир парчани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

РОМАНДАН ПАРЧА

Нодир анҳор бўйига келганида уфқда ловуллаб турган қип-қизил шафақ жийда барглларини чақнатарди. Нодир жийдаларнинг мунчоқдек тилларанг гулларини суқланиб томоша қила бошлади.

Нодирнинг болалиги бу ерларда, жийда шохларига тирмашиб эски хумдонлар ичида «уруш-уруш» ўйнаб, ялангликда варрак учириб ўтган. Кечқурун ҳамма молини ҳайдаб уй-уйига кетарди. Нодир елини ерга тегиб турадиган шохдор эчкиси билан қашқа қўйини подадан айириб қоларди-да, жийданинг энг баланд шохига чиқиб, кун ботишини томоша қилиб ўтирарди. Унинг учун бу манзарани томоша қилишдан завқлироқ машғулот йўқ эди. Ботаётган қуёш бутун меҳри, куч-қудратини сарф этиб ер юзида беадад мўъжизалар яратган, сўнг уларга ўзи шайдо бўлиб қолган, охир-оқибатда бу афсонавий гўзалликдан кўнгил узолмай аламнок бўлиб дунёдан кетаётган одамга ўхшарди.

Олис уфқдаги нимпушти булутларнинг турли шаклларда гоҳ сув ёйилиб оқадиган дарё ўзанига, гоҳ денгиздаги ёлғиз оролчага, гоҳ улоқ чопаётган чавандозларга ўхшаб кўриниши Нодирни беҳад ҳайратлантирар, бу нарсаларнинг сирини билгиси келарди. Ботаётган қуёш нурлари уфққа туташган пахтазорга ҳорғин руҳ бағишларди. Шабадада оҳиста тебранган гўзаларнинг учларида қизғиш нур ялт-юлт этиб ўйнар, кўнгилда ҳам шодликка, ҳам маъюсликка мойил бир ҳис уйғотарди.

Бундай пайтларда пахтазор оралаган одамнинг руҳи тетик, кўнгли сокин бўлиб қолади. Ҳар бир баргнинг шитирлашидан ўзича бир маъно уқади. Деҳқоннинг олти ой ёз, саратон жазирамада жонини жабборга бериб қилган меҳнати, реза-реза манглай тери туфайли бунёд бўлган кўсакларга боқиб кўзи қувонади. Ҳадемай чаноқлар лаб очади. Уларнинг бағридан сутдек қайнаб оппоқ пахталар бодраб чиқади. Улар шу қадар мусаффо бўладики, киши қўл ургани журъат этмайди. Бироқ, бу оппоқ пахта очилгунча қанча заҳмат чекилади. Деҳқон тонгги ширин уйқуларидан, тунги фароғатидан воз кечиб, тиним билмай юради. Вақтида бир хўплам оби-ёвғонини қайнатиб ичолмайди. Ерга биринчи чигит қадалгандан то сўнгги тола пахта териб олингунча унинг ҳаловаги бўлмайди. Охирги қанордаги пахтани қабул пунктига топшириб бўлгач, шип-шийдам бўлиб қолган далаларга боқиб бирдан кўнгли бузилади. Уларга янги навбаҳор либосини истайди. Ердан нам кетиши биланоқ далага югуради. Ерга чигит қадаб, ниш уришини сабрсизлик билан кутади. Ердан биринчи ниҳол бош кўтариб чиққанини кўрганида шодлиги ёру кўкка сиғмай кетади. У яна қадрдон овунчоғини, дардкашини топиб олади... Деҳқон мана шундай яшайди. У ҳаётини пахтасиз тасаввур этолмайди. Шунинг учун пахтанинг оқлиги унинг кўнглига, туйғуларидай орзуларига кўчган.

Нодир болалигидан шу оқ кўнгил одамларни севиб, уларни ардоқлаб улғайди. Институтни тугатиб қишлоғига қайтди. Болалигидан кўнглига якин, сирдош бўлиб қолган одамлар орасида ишлай бошлади. Сиртқи аспирантурага кирди. Қотмадан келган, қирғий бурун, кўзлари ҳамиша ўйчан боқувчи бу йигит ғаройиб орзулар билан яшар, унинг қалбида ечилмаган тугунлар, айтилмаган гаплар кўп эди. У елкаси саратон офтобида куйган ҳамкишлоқлари учун яхшилик қилиш, уларнинг мушкулини осон этиш ниятида кўп эзгу ишларни режалаштирар, катта мақсадларга бел боғлаб яшарди.

Енгинасида қадам товуши эшитилди. У чўчиб ўгирилди. Рўпарасида турган ушоққина жуссали, кўзлари ёниб турган, пучуқ қиз унинг ёнига келиб ўлтирди. Энтикиб хўрсинди.

Улар чулдираб тўлиб оқаётган анҳор тўлқинларига тикилишганича жим қолишди. Қиз майда кесакларни сувга ташлаб ўйнай бошлади. Кесаклар сувга чўлп-чўлп этиб тушар, уч-тўртта заррин томчи бир қарич баландликка сачраб кетарди. Чор-атрофни ғиразшира ёритиб турган ожизгина нур бирдан сўнди. Кўк гумбазида сон-саноқсиз шамчироқлар милтиради.

— Нега индамайсиз?— сўради Чаман зимдан боқиб.

— Нима дейишга ҳам ҳайронман,— Нодир унинг қўлини кафтига олди.— Сиз келгунингизча кўп нарсаларни ўйладим,— бағри кенг далани, унинг саховатли одамларини, пахтани жуда яхши кўрар эканман. Бу нарсани ҳозиргина англаб етдим.

Чаман бўшашиб кетди. Хўрсинди. Секингина қўлини тортиб олди. Яна кесак кўчириб сувга ота бошлади.

— Биз кўпинча деҳқоннинг қадрига етмаймиз,— ҳамон ҳаяжонланиб гапида давом этди Нодир.— Ахир, у мўъжизакор-ку. Увоқдек чигитдан тоғдек хирмон уяди.

— Тўғри,— деди қиз секингина.

Уч-тўрт ойдан бери пахта, деҳқон ҳақидаги бундай фикрларни эшитавериб ёд қилиб олди. Бинойидек йигит шунча вақтдан бери муҳаббат ҳақида оғиз очмаса-я. Нимасини яхши кўриб қолган унинг? Кўп китоб ўқишиними? Ширинсуҳанлигиними? Ундай деса у ҳаммага бирдек яхши гапиради. Агрономлиги учун ҳам яхши кўрмаган. Ҳеч қандай қонун-қоидага итоат этмайдиган, одамни ҳар кўйга соладиган туйғулар ҳам бор эканда.

— Чаман, яна сизга ёқмайдиган гап гапираётибманми?— Нодир гуноҳкорона жилмайди.— Биласиз-ку...

— Биламан...— қиз енгил тин олди.

— Бундан кейин пахта ҳақидаги ҳамма яхши гапларимни сизга аталган деб тушунаверинг, хўпми?— деди Нодир беғараз.

— Пешанам қурсин...— Чаман очилиб кулди.

Якингина жойдаги дарахт шохидан ҳаловати бузилган қушнинг безовта потирлагани эшитилди. Қишлоқ томонда ит улиди.

— Яхши эмаслигини биламану, лекин...

— Тушларингизга ҳам нуқул пахта кирса керак-а?

— Нима қилай, ахир,— деди Нодир зорлангандек.—Нима ҳақда гап бошласам охири пахтага бориб тақалади. Ростдан ҳам тушимда нуқул пахтани кўраман. Бирон марта ҳам тушимга қиз бола кирмаган. Баъзан алам қилади.

— Илоё, тушингизга доим пахта кирсин,— деди Чаман кўзларини яшириб. У аёлларга хос қизғончиқлик билан ҳали тушига кирмаган қизлардан Нодирни рашк қилди.

— Чаман...— Нодир қизнинг асл мақсадини англаб етмай елкаларидан қўчди. Димоғига қалампирмунчоқ ҳиди гуп этиб урилди.— Мунча яхшисиз-а?

— Чунки пахтага ўхшайман,—қиз шарақлаб кулди. Сакраб ўрнидан турди-да, Нодирнинг қўлидан тортди.— Юринг кетамиз. Кеч бўлиб кетди. Дадам қайтадиган вақт бўлиб қолди.

* * *

Учоқда ланғиллаб олов ёнаётибди. Қозондан оқиш буғ кўтарилади. Учоқ олдида жиккаккина бир кампир ўтирибди. Олов тафтида ҳандалакдай думалоқ юзи, бурни, лаблари қип-қизариб кўринади.

У косов билан оловни титкилайди. Бармоқларининг оловга қараган томони қизариб, орқаси қорайиб кўринади. Ўзи муштдеккина бўлиб ўтирса-да, ҳовлининг ўртасига тушиб турган сояси баҳайбат, вахимали кўринади.

Учоқда чирсиллаб олов ёнаётибди. Қизғиш олов ўчоқ ичида буралиб қозоннинг тагини ялайди, сўнг жаҳл қилгандек ўзини мўрига уради. Мўридан лов этиб аланга чиқади-ю, шу заҳоти қоп-қорайиб қолади.

Зеби хола иккитагина чўпни синдириб ўчоққа ташлади. Олов гуриллади. Худди қовурилаётган бодроқдек майда учқунлар сачради. Ёнаётган чўп жонли мавжуддек бир-икки биланглади, сўнг ҳаракатсиз қолди. Бир нафасда узун, қип-қизил чўққа айланди.

Зеби хола тиззасига ияк тираганича оловдан кўз узмайди. Юзида шўъла ўйнайди. Кўзларида беозор бир хаёл.

Унинг худодан тилаб олгани шу ёлғизгина ўғил. Отаси урушга кетиб олти ой ўтгач, туғилган. У туғилган куни хат ташувчи бир неча бор эшигининг тагига келиб, остона ҳатлаб ичкарига киролмай қайтиб кетган экан. Бир ҳафтадан сўнг маҳалланинг уч-тўрт қарияси кириб шум хабарни айтишди. Сабр-тоқат тилашди. Зеби хола ўзини уриб йиғлади. Кузверiб косовдай бўлиб қолди. Бора-бора бу жудоликка кўникди. Йиллар ўтиб ярасининг ўрни битгандек бўлди. Ўғли билан овунди. Мана энди Нодиржон ҳам паҳлавон йигит бўлиб қолган. Энди онанинг бирдан-бир орзуси уйида чақалоқ қиғисини эшитиш. Елғизининг боши икки бўлганини кўрса, унинг ҳам ҳовлисида карнай-сурнай чалиниб, ёр-ёр айтилса. Келини шу ҳайҳотдай ҳовлини тўлдириб селкиллаб юрса. Эҳ, кошки эди... Ўғли китоб ўқишдан ортмайди. Якин бир йилдан бери чумолию ҳар хил қурт-қумурсқаларни йиғиб юрибди. Отаси қандок одам эди. Ҳазил-мутойибани яхши кўрарди. У киши кирган давра яшнаб кетарди. Нодир отасининг бутунлай акси.

Кўча эшиги тақиллади. То кампир ўрнидан тургунича салмоқланиб Исмоил кириб келди.

— Ассалому алайкум.

— Вой айланай, Исмоилжон, қандай шамол учирди,— Зеби хола унинг кифтларига қоқиб кўришди. Исмоилнинг тик қоматига, кенг яғринига боқиб кўзлари қувонди. «Отасига тортган,— дея кўнглидан кечирди. Унинг олдида Нодиржон чоғроқ кўринади. Бўлмаса иккаласи бир ойда туғилган. Айни гўза кўсаклай бошлаган пайт эди».

— Бир кўриб ўтай дедим. Нодир уйдами?

— Уйда. Қани, юрақол. Эгачим эсон-омонмилар? Келиним чарчамайгина юрибдими? Тойчоғим оппоғми?— Зеби хола ўзи олдинга тушиб йўл бошлади.— Келганинг яхши бўлди-да, Исмоилжон. Сенга айтадиган гапларим бор эди.

— Нима демоқчилигингизни биламан, хола,— деди Исмоил кулиб.— Шу уйга келин тушмагунча иккаламизнинг ҳасратимиз тугамайди.

— Ҳаҳ, куласан-а, боласи тушмагур. Боласан-да, куласан. Ке, бир пас сўрида ўтир. Юрагим очилолмай турган кўсакдай тўлиб турибди. Оғайнингни олдига сал кейинроқ киррасан. Кўк қуртларни чумолиларга талатиб ўтирибди.

Зеби хола ҳовли тўридаги сўрига жой қилди. Елиб-югуриб дастурхон тузади. Чой дамлаб келди.

— Исмоилжон, сендан яширадиган сирим йўқ, ўғлим. Дардим ўзингга маълум.— у нон ушатди, чой қуйиб тутди.— Ол, нон тишла. Чанқагандирсан, иссиқ-иссиқ чой ич. Чанқовни иссиқ чой босади.

— У деб, бу деб мени авраб, ўртоғингни уйланишга кўндир, демоқчисиз-да.

— Нега аврай, айланай Исмоилжон. Тўғриси ҳам шу-да,— деди Зеби хола зорланиб.—Тойчоғим юради. У тенгилар аллақачон тўй кўришди. Менинг ҳовлимдаги дорга ҳам чақалоқнинг йўргаги ёйилсин, ахир.

— Шу гапларни Нодирнинг ўзига айтсангиз бўлмайдими?

— Айтолмайман, тасаддуқ, бетим чидамайди,— деди Зеби хола юзини сидириб.— Сен айтганинг тузук, сирдош ўртоғисан.

Эмин УСМОНОВ.

СПОРТ

ЯНГИ МАВСУМ, ЯНГИ ТАРТИБ

Бу йил совет футболчилари олдида муҳим вазифалар турипти. Улар олимпия ўйинларида, Европа чемпионатида, чемпионлар кубоги, кубок эгаларн кубоги, УЕФА кубоги учун бўладиган масъулиятли мусобақаларда қатнашишлари керак. СССР спорт комитети мавсумнинг ўзига хос мураккаб томонларини ҳисобга олиб, олий лига командалари мамлакат чемпионатини икки марта — баҳорда ва кузда ўтказишга қарор қилди.

Баҳорги чемпионатда олий лигадаги мавжуд 16 та команданинг ҳаммаси иштироқ этади. Улар баҳси 4 апрелдан 11 июлгача давом этади ва совриндорлар маълум бўлади. Баҳорги мусобақаларда сўнгги икки ўринни олган командалар биринчи лигага тушиб кетмайди.

Бир ойдан кўпроқ вақт давом этадиган танаффуздан сўнг 15 августда кузги чемпионат бошланади.15 ноябрга бориб олтин, кумуш ва бронза медалларн эгаларн, ҳамда олий лигани тарк этувчи икки қолоқ команда маълум бўлади.

Биринчи лиганинг 20 командаси мамлакат биринчилигида одатдагидек икки давра ўйнн ўтказадилар. Иккинчи лигадаги 120 команда эса олтита зонада ўзаро куч синашадилар.

САФАР ТУГАДИ

Москванинг «Локомотив» командаси футболчилари Ҳиндистон бўйлаб ўз сафарларини тугатдилар. Ватанларига қайтиш олдидан улар Андхра-Прадеш штати клублари терма командаси билан якунловчи матч ўтказдилар. Олдинги галларда бўлганн сингари бу гал ҳам москваликлар ўйинда активлик кўрсатиб, 5:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 16.00 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — «Камалак» программаси. 18.30 — Кинофильм. 19.00 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Адабий учрашувлар». Р. Қодирий. 20.00 — «Ота-оналар университети». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари. 21.20 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам бўлди». (бадиий фильм). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — «Мақтанчоқ қуёнча» (спектакль). 12.30—Қувноқ стартлар. 17.55 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 —Болалар учун фильм. 19.40 — Фильм-концерт. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Эстрада концерти. 20.45 —КПСС Марказий Комитетининг XXV съездига лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. 21.15 — Телевизион бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7I да **Аяжонларим** (12.00), **Кўк эшик ортидаги аёл** (19.30), 8I да **Аяжонларим** (12.00), **Қароқчилар** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —7I да **Олифта** (12.00), **Хонума хоним** (19.30), 8I да **Хонума хоним** (12.00), **Олифта (19.30)**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7I да **Ойдин** (11.00, 15.00), 8I да **Номзодлар** (11.00, 15.00).

КИНО

Амрапали—НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «НУКУС», «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Парашютчилар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дам, 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р—02112. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64634. В. — 2462.